# Назарга тушиш масъулияти

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меҳмонхонадаги телефон жиринглаб, суҳбатимиз бўлинди. Хоразмдан яна ғишт келибди. Шуни хабар қилишаётган экан.

Балки «Фарғонада ғишт қуриб кетибдими!» деб ҳайрон бўларсиз. Хонадон бошлиғи Собиржон отанинг тили билан айтганда, бу — Солижоннинг «болаларча инжиқлиги». Аслида эса, уч қаватли бино қуришни бошлашдан олдин Солижон юртимиздаги мавжуд ғишт заводларидан намуналар келтириб, уларнинг таркибини лабораторияда текшириб кўрди. Хоразмники маъқул топилганидан кейин ҳам кўнгли тинчимай, бундан 15-20 йил аввал ўша завод ғиштидан қурилган бинолардан айримларининг ҳозирги ҳолатини кўриб келди. Тўлиқ қониқиш ҳосил қилгач, буюртма берди.

Ёш тадбиркорнинг ўзи бош меъмор бўлган ва ташқи безагию ички муҳандислик сирларига ҳақиқий мутахассислар ҳам «баракалла» дейдиган муҳташам бинонинг сўнгги қавати битиш арафасида турибди. Солижоннинг айтишига қараганда, бир маҳаллар Самарқанддаги қадимий обидаларга ҳаваси келиб, «Қанийди, ўзим ҳам бирорта шундай умрбоқий бино тиклай олсам?» деб орзу қилган экан. Мана, худо бериб, ўша орзуси рўёбга чиқмоқда. Ирим қилиб, ғишт терувчи усталарни ҳам Самарқанддан олиб келган.

Бундан ташқари, яна бир неча жойда темир ишкомли узумзорлар, укалари учун уй-жойлар барпо этилмоқда. Хонадон ихтиёридаги техникалар айрим кичикроқ қурилиш ташкилоти жамоасининг кўзини куйдирса куйдиргудек: темир изли минора крани, 25 тонналик компьютерлашган автокран, «КамАЗ» юк машинаси, 2 та «МАЗ» ағдарма машинаси, юк трактори, боғ трактори, пайвандлаш трактори, 3 та пайвандлаш ускунаси, автоюклагич, дизелли автобус, «Нексия», «Дамас», 3 та «Тико» автомобили, чилангарлик дастгоҳи, сим арматура тўқиш ускунаси, компрессор, бетонқоргич, бетонзичлагич, шунингдек, девор тешиш, мих отиш, ғишт чархлаш каби ишларда асқотадиган турли электр асбоблари...

Шу пайтга довур олти ака-ука ҳануз ота уйида тиқилиб яшаб келишаётгани кўпларни таажжубга солади. Сабаби — томорқаларга солинаётган уйларни тезроқ битказиш имконияти йўқлигида эмас. Кенг кўламдаги ишларни бошқаришни осонлаштириш, ҳар кунги юмушларни эрта тонгдаёқ пухта режалаб, иш якунини биргалашиб муҳокама қилишга энг қулай шароит шу. Солижоннинг беш укасига беш хил вазифа юкланган: Абдуваҳоб техникалар шайлигига жавоб беради, Абдувоҳид бухгалтер ва таъминотчи, Муҳаммадхалил «Мерседес» юк машинаси ҳайдовчиси, Иброҳим ҳам қурилишларни бошқаради, ҳам кранчи, Обиджон барча турдаги таъминотлар бўйича масъул. Тўнғич қизнинг фарзандларини қўшиб ҳисоблаганда, Собиржон тоғанинг невара-чеваралари қирқ нафарга яқинлашиб қолди. Бир қозондан овқатланиш маросимида эркаклар биринчи тўпни, аёллар иккинчи тўпни ташкил этса, болалар гоҳ икки, гоҳ уч тўпга бўлиниб, борини таламон-тандир қилишга тушадилар.

Телефондаги сўзлашув тугагач, суҳбатни яна давом эттирдик.

— Кейинги ойларда беҳаловатроқ бўлиб қолганимнинг боиси шундаки, — дея ниҳоят бояги гапининг пайнавини очди Солижон, — ухлашдан олдин ўша кунги ҳар бир хатти-ҳаракатимни фикримда қайта-қайта таҳлил қилиб, анчагина ухлолмай ётаман. Феъл-атворимда андак тажанглик бор. Баъзи идораларда бирор ишим ўринсиз пайсалга солинса ҳам, укаларим ёки ишчиларимдан биронтаси айтганимни чалароқ бажарса ҳам, тезда тутақиб кетаман. Илгарилари бу оддий ҳолдек туюларди. Президентимизнинг тилига тушганимдан кейин «Бошқалар у ёки бу гапимни қандай қабул қилди экан, мақтовдан бурни кўтарилиб, оғзи полвонроқ бўп қолди шекилли, деб ўйлашмаяптимикан?» деган истиҳола бошимда чарх ургани-урган. Иложи борича ҳар бир қадамимни ўлчаб босишга, ҳар бир сўзимни ўйлаб гапиришга уринадиган бўлиб қолдим.

Бир эшитишда, унинг сўзлари соддачилик яққол акс этиб турган одмигина гапга ўхшаб кетади. Тузукроқ фикрланса, бунинг замирида қанчалар теранлик, қанчалар самимият ётибди. Буни фалсафийроқ ибора билан **назарга тушиш масъулияти** деб аташ ҳам мумкин. **Назарга тушиш**нинг қадрига етиш, қимматини баҳолай олиш, ўзида шунга яраша масъулиятни шакллантириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, аниқроғи бунга ҳамманинг ҳам идроки етавермайди. Мақтовга лойиқ бўлиш — берилган тузни оқлашдек ўта муқаддас тушунча. Солижон мана шу тушунчани бироз одмироқ тарзда бўлса ҳам чуқур ҳис эта олгани мени жуда қувонтирди, жуда ҳайратга солди.

— Юртбошимизнинг халқ фаровонлигини ошириш, дастурхонларимизни янада тўкин-сочин қилиш борасидаги мислсиз саъй-ҳаракатлари ҳатто чет элларда ҳам мақтовга сазовор бўлмоқда, — дейди Солижон. — Биз шу савобли ишга дарёдан томчичалик ҳисса қўшолсак, шунинг ўзи катта бахт. Юртимизни ҳам, бизни ҳам одамларнинг дуоси кўкартиради.

Одамлар эса, бозорини яқин қилаётган Солижонга ҳам, Солижонга ўхшаганларга ҳам кенг йўл очиб бераётган ҳукуматимизга ҳам доим дуогўй. Биргина шу йигитнинг ўзи ўтган йилнинг охирроғидан шу кунга қадар деҳқонлардан 300 тонна турп, 310 тоннага яқин бодринг, 280 тонна узум, қарийб 150 тонна ўрик сотиб олди. Келгусида бу кўрсаткичлар янада ошиб бораверишига шубҳа йўқ. Чунки ёш тадбиркорнинг айтишича, вилоят ва туман раҳбарлари унга ҳар томонлама ёрдам бериб, ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаб турибдилар.

Олтиариқни киндик қоним тўкилган маскан сифатида ниҳоятда севаман. Йигирманчи йиллардаги очарчиликда минг хонадонлик қишлоғи аҳолисини қишдан то буғдой пишиғигача бир ўзи боқиб чиққан Ҳасанбой ҳожилар ҳимматини эшитганимда, тижоратдан кўрилган даромаднинг бир қисмини ночорларга тақсимлаш ниятида ўғилларини етаклаб маҳаллама-маҳалла кезиб юрган Маматожи Иброҳимов ёки кўчама-кўча ун тарқатиб, юзлаб қариялардан дуо олган Абдубанноп Охунжоний, ҳажга бориш учун тўплаган пулини маҳаллага ичимлик сув чиқариб беришга сарфлаган полосонлик Пўлатжон ошпаз ва ниҳоят, камбағалпарвар тадбиркор Солижонга ўхшаган жойдошларимни кўрганимда эса, Олтиариқда туғилганимдан беҳад фахрланиб кетаман. Бундайларнинг орасида яшашнинг ўзи бир завқ.



*Тадбиркорнинг режаси бўйича янги иморат битса, ана шундай қиёфа касб этиши керак.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



# Булоқбоши атласи кўзни қамаштирар...

*Бундан икки йил илгари «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамияти ташкил этилиб, унга Собирхўжа Таваккилов бошқарув раиси этиб сайланди. Ўшанда корхонада 150 нафар ишчи меҳнат қилар, кўпчилиги ҳали тажрибасиз эди. Нима қилиш керак? Янги раҳбар ҳеч иккиланмай, марғилонлик 400 нафардан ортиқ уста ипакчиларни ишга жалб этди. Уларни ҳар куни Булоқбошига олиб келиш ва ишдан кейин Марғилонга элтиб қўйиш учун юмшоқ автобуслар ажратилди. Муҳими, жамиятда ишчиларнинг унумли ишлашлари учун тегишли шароитлар яратилди.*

*Марғилонликларнинг ҳар бири беш ой мобайнида икки-уч нафардан шогирд тайёрлади. Шогирдлар эса шу қисқа фурсатда устозларидек ишлайдиган бўлишди. Бугунги кунда мазкур корхонада мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Самара ҳам шунга яраша бўлаётир. Агар 1998 йилда 65 тонна пилла қайта ишланган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили 191 тоннани ташкил этди. Жорий йилда эса 560 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқчи.*

*Шу йилнинг сентябр ойида эса Жанубий Кореядан 2 миллион долларлик қимматга эга тўқув дастгоҳлари келтирилди. Улар ишга туширилиши туфайли яна 500 ишчи ўрни яратилиб, хом ипакдан тайёр матолар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, булоқбошиликлар ҳам ўз атласига эга бўлдилар.*

**СУРАТДА: «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Собирхўжа Таваккилов ишчилар билан бирга маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ўзбошимча харажатлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераккки, «Пахтабанк» бўлими томонидан транш маблағлари асоссиз равишда махсус ҳисоб рақамларида тўланмасдан турилган ёки айрим ҳолатларда кечиктирилиб тўланган. Яъни, жорий йилнинг январ ойида «Таминотчи-Пахта» базасига чет эл кредитини қоплаш учун 4 млрд, сўмга тўлов талабномаси қўйилганига қарамасдан, банк томонидан 53,0 миллион сўм транш маблағи тўққиз иш кунига кечиктирилиб тўланган.

Юқорида айтилганидек, жамғарманинг ташкил этилишидан мақсад давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва белгиланган тартибда тўловларни амалга оширишдир. Бу масалага панжа орасидан қараш ҳолларига мутлақо чидаб бўлмайди. Бундай хўжасизликлар, маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши охир-оқибатда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга ошириш, тўлов тизимини такомиллаштиришда тўсиқ бўлишини наҳотки мутасадди шахслар тушуниб етмаган бўлсалар?

Текшириш давомида, шунингдек, Навоий вилояти «Пахтабанк»ининг Кескантерак бўлимида (бошқарувчиси Ж. Хушвақтов) хизмат кўрсатилаётган Навбаҳор тумани машина-трактор паркининг «Таминотчи-Пахта» базасидан 52,8 миллион сўм қарзи мавжудлиги аниқланди. Бироқ, шундай бўлса-да, «Пахта-2000» транши бўйича махсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблағни республика базасининг ҳукумат кафолати асосида олинган чет эл кредитини қоплаш учун йўналтирмасдан, 6,4 миллион сўмни Навоий «Инвест БК-35» корхонасига акция харид қилиш учун ишлатиб юборган.

Худди шу каби Навоий шаҳар «Пахтабанк» бўлими томонидан (бошқарувчиси З. Дўсматов) хизмат кўрсатиладиган «Турон» ҳиссадорлик жамиятида, махсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблағдан жами 6,6 миллион сўм мақсадсиз ишлатилганлиги, шундан 1180,4 минг сўми банкнинг масъул ходимлари томонидан зарурий эҳтиёж учун тўловдан ошиқча тўлаб юборилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Узоққа бормайлик, айнан юқорида қайд этилган Навоий шаҳридаги «Турон» ҳиссадорлик жамиятига ғалла етиштириш учун ажратилган маблағдан жами 1985,7 минг сўм, жумладан, «Камол» ҳиссадорлик жамиятига кигиз олиш учун 985,7 минг сўм, «Аккуммашсервис»га аккумулятор олиш учун 1000,0 минг сўм мақсадсиз, транш кўрсатмасига зид равишда ўтказилган.

Бундай камчиликларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Энг муҳими, текширувлар давомида барча камчиликлар ошкор бўлди.

Маблағларнинг ноўрин сарфланган ҳолларини кўриб, бир ривоят эсга тушади. Нақл қилишича, бир ҳашарот деҳқон бобонинг уруғлик учун олиб қўйган донидан ҳар куни ўғирлашдан олдин «Оз-оздан ўғирлаганим билан дони камайиб қолармиди? Деҳқон бобо омон бўлса, келгуси йили бундан ҳам кўп ҳосил олади», деб ўйларкан. Биз юқоридаги каби ўнлаб ҳолатлардан бир нечтасини мисол тариқасида келтириб ўтдик, холос.

Давлатимиз пахта ва дон етиштирувчи хўжаликларга ажратаётган махсус маблағларни мақсадсиз ишлатаётган масъул ходимлар томонидан йўл қўйилган сарф-харажатларнинг келгусида такрорланмаслигига эришиш учун курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан оқилона фойдаланмаган ва уларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўйган мансабдор шахслар энди ўз қилмишларига яраша жазоларини олишади.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**

# ГУЎОМга яна ким қўшилади?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай муаммолар бор бўлса-да, ГУЎОМ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари етарлидир. Ушбу ташкилот тарихидаги муҳим босқич сифатида ГУЎОМга аъзо давлатлар раҳбарларининг Нью-Йоркда БМТнинг «Мингйиллик саммити» доирасида ўтказилган учрашувини алоҳида таъкидлаш лозим. Учрашув ниҳоясида беш давлат президентлари томонидан қабул қилинган Нью-Йорк Меморандуми ГУЎОМнинг энг муҳим қўшма ҳужжатидир. Бу ҳужжат кўп томонлама ҳамкорликни амалда юқори поғонага кўтаришни кўзда тутади.

Яна бир муҳим жиҳат. Меморандум ГУЎОМ доирасида иқтисодий, транспорт, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Нью-Йоркдаги учрашув чоғида ГУЎОМ миқёсида эркин савдо тартибини яратиш мақсадида иш бошлашга келишиб олинди. Куни кеча ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон-Украина музокаралари амалий ҳаракатларнинг ёрқин кўриниши бўлди.

ГУЎОМ бирлашмаси ўзаро ишонч ва хавфсизликка эришиш ҳамда мустаҳкамлаш асосига қурилган бўлиб, янги ривожланиш босқичига кирмоқда. Унинг моҳияти иқтисодий ҳамкорликни тубдан чуқурлаштириш, хусусан, ГУЎОМ доирасида эркин савдо режимини барпо этиш бўйича ишни фаоллаштиришдан иборат. Маълумки, яқинда Божхона иттифоқига аъзо мамлакатлар — Россия, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Божхона иттифоқини Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Бу ҳужжат ГУЎОМнинг фаолиятига таъсир этмайди. ГУЎОМ Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қарши тузилмаган. ГУЎОМ бу — тенг ҳамкорлик йўли, ишонч, Европа ва жаҳон бозорига чиқиш, Европа билан Осиёнинг энг яқин макони орқали транспорт-транзит имкониятларини барпо қилиш демакдир. Қолаверса, ГУЎОМнинг халқаро миқёсдаги аҳамияти ҳам бор. Ушбу бирлашманинг эшиклари очиқ. Юқорида айтганимиздек, ҳозирнинг ўзида кўпгина давлатлар ГУЎОМга аъзо бўлиш ниятида қатъий турибди. 2001 йил бошида Киевда ГУЎОМнинг навбатдаги анжуманини ўтказиш мўлжалланган. Унда унга расмий халқаро ташкилот мақоми берилиши кўзда тутилган.

Ишончимиз комилки, ҳамкорлигимиз самарадорлигини кучайтириш омили, аввало, эришилган келишувларни бажариш, муайян ишлар ва лойиҳалар билан уларнинг мазмун, моҳиятини бойитишдир. Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ГУЎОМ истиқболи ва тараққиёт суръатини белгилайди.

**Элмурод ЮНУСОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида БМТнинг Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) билан ҳамкорликда "Халқаро савдо ҳуқуқи" мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинар ташкилотчилари мамлакатимизда халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини фаоллаштириш имкониятларини ўргандилар. Тадбирда Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларидан келган ҳуқуқшунослар билан бир қаторда, БМТнинг мазкур комиссияси ходимлари С.Базинас ва Ж.Секолек ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди.

Семинарда асосан шу пайтгача халқаро савдо-сотикда қийинчилик туғдириб келган муаммоларга оид, хусусан, "Халқаро савдо конвенцияларида жамланган келишувларнинг амалдаги татбиқи," "Ҳукуматлар даражасидаги олди-сотдида шаффофлик ва самарадорликни ошириш", "XXI асрда тижорий фаолият" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ соҳасида иш юритадиган мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, таъкидлаш кераккки, мамлакатимизнинг бу ташкилот сафига кириш жараёнини осонлаштириш учун сўнгги икки йил ичида республикамизда турли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида "ЖСТ талаблари ва Ўзбекистоннинг унга қўшилиши" ва "ЖСТда музокара амалиёти" каби мавзуларда семинарлар ўтказилган.

# Суд жараёни бошланди

Туркияда таниқли ислом арбоби Фатхулла Гюленни мамлакатнинг дунёвий конституциявий тизимини ағдаришга уринганликда айблашга доир суд жараёни бошланди. Ф.Гюлен ислом давлатини ўрнатишга уринишда ва давлат, ҳукумат органларида ҳамда маориф соҳасида маслакдошларидан иборат ташкилот тузишда айбланмоқда. Суд Ф.Гюленнинг ишини унинг иштирокисиз кўриб чиқмоқда. Агарда суд уни айбдор деб топса, Ф.Гюлен 10 йил муддатга қамалиши мумкин.

Би-Би-Си радиостанциясининг хабар беришича, Фатхулла Гюлен айни пайтда Америка Қўшма Штатларида. Судга унинг соғлиғи ёмонлиги сабабли Туркияга кела олмаслиги ҳақидаги шифокорлар хулосаси топширилди.

**(ЎзА)**

***Эски Яккабоғ шаҳарчасида истиқомат қилувчи фуқаролардан Н.Тўраев, Ж.Ҳакимов ва бошқалар таҳририятга хат билан мурожаат этишган эди. Унда шаҳарчадаги бозор қурилиши ва ободонлаштириш ишлари чўзилиб кетаётганлиги, бу эса ўз навбатида аҳолига хизмат кўрсатиш савиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида сўз борарди.***

# ЧОРАСИ ТОПИЛАЯПТИ

**• «Ҳалқ сўзи» фуқаролар хизматида**

*Ушбу масала бўйича Яккабоғ туман ҳокими жаноб Б.Раҳимовдан жавоб мактуби олинди. Маълум бўлишича, эски Яккабоғ шаҳарчасининг бош режаси бўйича 1997 йилда янги, замонавий деҳқон бозори қурилиши бошланган экан. Бозорча атрофидан, туман ҳокимининг қарорига асосан, бир гуруҳ фуқароларга икки қаватли чиройли, кўркам савдо дўконлари қуриш учун жой ажратилган. Ўтган давр мобайнида мўлжалланган савдо дўконларининг кўпчилиги хусусий тадбиркорлар томонидан ишга туширилди.*

*Мазкур дўконларнинг олдини кўчма савдо қилувчиларнинг пештахталари тўсиб қолганлиги сабабли уларнинг катта харажат эвазига қурган дўконлари кўзда тутилганидек фойда келтирмаётганлиги эътиборга олиниб, савдо қилишлари учун шароит яратиб берилди. Шу мақсадда август ойида кўчма савдо қилувчиларнинг пештахталари деҳқон бозори ҳудудидан янги қурилган автобус бекати майдонига кўчирилди. Ҳозирги кунда деҳқон бозорида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини туғаллаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.*

# Қариямисиз, фермер бўлинг!

(ярим ҳазил, ярим чин)

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўтган йил бошида Исмоил ота Сойимов «фермер бўламан» деганида, кўпчилик ишонмаган эди. Ҳужжатларини тўғрилаб, раҳбарлар ҳузурига олиб боргач, «Отахон, 70 ёшдан ошгансиз, болачақангизнинг ҳузурини кўриб ўтиравермайсизми?», дегувчилар ҳам бўлди.

Рости, Исмоил ота шундай қилса ҳам бўларди. Тўрт нафар ўғли, беш нафар қизи бор. Ҳаммаси ўзини тутиб олган. Отанинг қўлини совуқ сувга урдиришмайди.

Лекин у аҳдидан қайтмади. 25 гектар ер олиб, фермер хўжалиги тузди. Даласига меҳр билан ишлов берди. Ўғит билан тўйинтирди. Қишда яхоб сувини ҳам унутмади. Ғалла экилган майдонларга эринмай маҳаллий ўғит ташиди. Сув танқис бўлган йилда ғўзанинг ишловига зўр берди. Талашиб-тортишиб олган сувдан унумли фойдаланиб, экинини қондирди.

Энди оқсоқолнинг иш натижасига қаранг: чўл шароитида 10 гектар ғалла майдонидан 55 центнердан ҳосил олиб, А.Икромов номли ижара ширкатлар бирлашмаси тарихида энг юқори кўрсаткичга эришди. Режа оз эмас, кўп эмас 200 фоиз бажарилди. Отанинг номи кўпчиликнинг оғзидан тушмай қолди.

Пахтакор туманида пахта терими оммавий тарзда бошланмай туриб, фермер штабга режани бажарганлиги ҳақида маълумотномани кўтариб келди. Отахоннинг жамоаси ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиб, вилоятда биринчилар қаторида йиллик топшириқни бажарди.

Ҳозир туман фермерлари «Қари билганини пари билмас» деганлари шу бўлса керак-да», дея отахонга эргашиб меҳнат қилишга интилаяптилар.



Бугунги Самарқанд.

Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# Нурафшон макон

***Кеча, 18 октябрда Самарқанд куни катта кўтаринкилик билан нишонланди. Тантанада қадим шаҳарга меҳр қўйган олимлар, зиёлилар, ҳунармандлар — барча касб эгалари Самарқанднинг истиқлол йилларида гуллаб-яшнаётганлигини эътироф этдилар.***

***Қуйида ушбу айёмга бағишлаб битилган шеърни ўқийсиз. Унинг муалифи Исматилла ЙЎЛДОШЕВ.***

*О, гўзал Самарқанд! Ватаним менинг,*
*Боболардан мерос жон таним менинг.*
*Ўзбекман, мусулмман, фарзандман сенга,*
*Сен боис имконим, имоним менинг.*

*Сен ярим дунёнинг пойтахти бўлган,*
*Жаҳонгир бобомнинг сурурудирсан.*
*Сен-ла қасдлашганнинг нигоҳи сўнган,*
*Ҳар битта ўзбекнинг ғуруридирсан.*

*Ўзини англаган сенга берур тан,*
*Буюк боболарнинг хизмати боис.*

*Сен юртлар ичида тенги йўқ бир шан,*
*Сенга таъзим жоиз, ифтихор жоиз.*

*Ана, у Улуғбек — дониш Кўрагон,*
*Ерга эгиб турар азиз бошини.*
*Кўҳна афсоналар сўйлар Регистон,*
*Бутун бир кентга тенг ҳар бир кошини.*

*Нима эккан бўлсанг ўрасан шуни —*
*Омонат дунёнинг ҳикмати аён.*
*Юртимга истиқлол юз бурган куни*
*Яна ўз боғига қайтди Кўрагон.*

Ривоят

# Оқил қози



***Турли халқлар орасида оқил ва донишманд қозилар ҳақида ривоятлар юради. Мана шулардан бири:***

Бир оқил қозининг олдига уч йигит кириб келибди.

— Биз ака-укалармиз, — дейишибди улар. — Отамиз бизга ўн етти туяни мерос қилиб қолдирган. Унинг васиятига кўра туяларнинг ярми катта ўғлига, учдан бири ўртанча ўғлига ва тўққиздан бири кенжа ўғлига тегиши керак. Биз туяларни сира бўлиб ололмаяпмиз. Агар уларни сотиб пулини ўзаро тақсимласак, отамиз васиятига тўғри келмайди. Шу сабабли уришиб ҳам қолдик. Бизга ёрдам беринг...

— Хўп, — дебди қози — туяларни бу ерга олиб келинглар.

Ака-укалар ўн етти туяни бир зумда айтилган жойга олиб келишибди.

— Энди менинг туямни ҳам қўшинглар — дебди қози.

— Қанча бўлди? — деб сўрабди қози ўз айтгани бўлгач.

— Ўн саккиз, — деб бир овоздан жавоб берибди оға-инилар.

— Ўн саккизининг ярми-тўққиз туя катта ўғилга, хўпми? — сўрабди қози.

— Хўп.

Ўн саккизининг учдан бири — олти туя ўртанча ўғилга, хўпми? — сўрабди қози.

— Хўп.

— Ўн саккизнинг тўққиздан бири икки туя кенжа ўғилга, тўғрими.

— Тўғри, дея маъқуллашибди учаласи ҳам.

— Биргина туя қолди. Бу энди меники. Саломат бўлинглар, — дебди қози.

Уч ака-ука эса анграйиб қолаверишибди.

**Сотим АВАЗ тайёрлади.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ф. САНАЕВ.**
Навбатчи — **О. РАЖАБОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ҒСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6


• Диққат: каллоблик

# Фирмалар соғин сигир..ми?

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.**

Олег Цой билан Александр Жимский ёнма-ён хусусий фирма очганларидан сўнг босар-тусарларини билмай қолишди. Тезда тагларида қушдек учувчи енгил машиналар, қўлларида замонавий телефон, кўзларида қора кўзойнак пайдо бўлди.

Улар ўтган йилнинг ёзида Мирзо Улуғбек туманида иккита хусусий фирма очиб тезда кўзларини шира босиб қолди. Солиқчилар шундан сўнг Олег Цой раҳбарлик қилаётган «Иш-ҳаракат» ва Александр Жимский бош бўлган «Тафин» хусусий фирмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ғалвирдан ўтказишга қарор қилишди. Тошкент шаҳар Солиқ соҳасида ҳуқуқий бузилишларга қарши тезкор курашиш бошқармаси ходимларидан тузилган махсус гуруҳ кирим-чиқимларни тезда таҳлил этиб, бу корхоналарда йирик молиявий бузилишларга йўл қўйилганлигини исботлаб беришди.

Ҳар иккала хусусий фирма 2000 йилнинг биринчи ярмида туман солиқ инспекциясига 2 миллион 570 минг сўм товар айланмасига ҳисобот топширган эди. Текширув давомида олди-соттидан фирмага ярим йилда 1 миллиард 94 миллион 652 минг 727 сўм маблағ тушганлиги, лекин устомон раҳбарлар 1 миллиард 92 миллион 142 минг 727 сўмлик солиқ базасини солиқ тўловларидан яшириб келганликлари маълум бўлди.

Солиқчиларнинг хушёрлиги билан яширин даромадга ҳирс қўйган ҳар иккала раҳбарнинг сири фош бўлди. Уларга нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, Олег Цойнинг ҳамтовоғи Александр Когай ҳам ўзига ўхшаш учарларга бош бўлиб Яккасарой туманида «Олтин товус» хусусий фирмасини очган эди. Даромадни яширишда бу фирма ҳам бошқа фирмалардан қолишмади. Фирманинг ҳужжатлари текширилганда у фуқаролар Юрий Витте ва Рустам Илёсов номига яширинча расмийлаштирилганлиги маълум бўлди. Ўз номларида хусусий фирма борлигини улар кейинчалик, солиқчиларнинг текширувидан сўнг билишди.

— Вадим деган бир йигит «Сизни ишга жойлаштириб қўяман» деб паспортимни олиб кетган эди, — эслайди Рустам Илёсов. — Шу бўйи бир неча ой йўқ бўлиб кетди. Орадан уч ой ўтгач, паспортимни бир танишдан бериб юборибди. Шунга ҳам хурсанд бўлдим. Демак, ўша пайтда менинг номимга фирма очган экан-да.

Александр Когай, Наримон Аблиев, Алексей Носач, Зоя Спирина ва Ольга Бурнашева фирмани расмийлаштириб олгач, тезда муҳр ва имзоларни қалбакилаштириб ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Ҳамтовоқлар ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Тушаётган даромадларнинг арзимаган қисмини ҳисоботларга киритиб, қолган қисмини чўнтакка уравердилар. Шу тариқа қисқа вақт мобайнида 48 миллион 722 минг 556 сўмлик солиқ базаси солиқдан яшириб қолинди.

«Олтин товус» фирмасининг сири очилгач, юлғичлар оёғи куйган товуқдек тўрт томонга югуриб қолишди. Лекин энди кеч эди. Ушбу ҳолат бўйича солиқчилар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатдилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда эркин тадбиркорлик учун кенг йўллар очилган ҳозирги пайтда айрим тадбиркорлар ва тижоратчиларнинг тўғри йўл қолиб эгри йўлга ўзларини ураётганликлари кишини афсуслантиради. Тошкентдаги «Боген қурилиш савдо» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси асосан шакар билан савдо қилишга ихтисослашган. Фирма раҳбари Ю. Бибиковни шаҳарда танимайдиган савдо ходими кам топилади. Шакар танқис пайтларда ҳамма унинг қўлига қараб турарди. Лекин шундай таниқли раҳбар ҳам ғирромлик йўлига кириб кетган экан. У «Патис Централ Эйша» ва «Безак» фирмаларидан олинган 345,8 тонна шакарни сотиб, тушган тушумни банкка кирим қилиш ўрнига ноқонуний йўллар билан 28 миллион 500 минг сўмни АҚШ долларига конвертация қилишга эришибди. Бу қонунбузарликка муносиб баҳо бериш учун ўтказилган текширувда яна бир қалтис иш — 71 миллион 900 минг сўм солиқ базаси атайлаб солиқ тўловларидан яширилганлиги маълум бўлди. Текширув давомида солиқчилар бюджетга салкам 16 миллион сўм қўшимча солиқ суммаси ҳисобладилар. Шундан сўнг фирма раҳбарларининг кўзи мошдек очилди. Солиқчилар даромадни қасддан яшириб бойлик тўплашга ружу қўйган фирмачиларга нисбатан жиноят иши қўзғатдилар.

Давлат солиқ қўмитаси солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари бундай текширувларни мунтазам ўтказиб боришаяпти. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида улар жойларда 30 мингдан ортиқ солиқ қонунбузарлигини аниқлаб, давлат бюджетига миллиардлаб сўм қўшимча солиқ ҳисобладилар. Чунончи Тошкентдаги «Косибра» хусусий фирмасида солиқдан 43 миллион 300 минг сўм; «Мегги-бизнес» хусусий корхонасида 40,1 миллион сўм, «Қутлуғ» хусусий фирмасида 13,5 миллион сўм яшириб қолинганлиги аниқланиб жиноят ишлари қўзғатилди.

Шуларни кўриб тўғри яшаб, тўғри ишлашга, нонни ҳалоллаб ейишга нима етсин, деб қўясан киши. Қонунбузарларнинг еган-ичганлари бугун бўлмаса эртага бурунларидан булоқ бўлиб чиқиши, эл ўртасида шармандаи-шармисор бўлишлари турган гап. Шундай экан, беш кунлик дунёда ортиқча мол-мулкка ҳирс қўймай ҳалол яшашга одатланмоқ керак.

• Ҳикмат

*Бешикдан қабргача илм изла.*


ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2000 йил учун
АСПИРАНТУРА ва ДОКТОРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда
«МАКРОИҚТИСОДИЁТ» /агросаноат мажмуида/
«МИКРОИҚТИСОДИЁТ» /агросаноат мажмуида/
ихтисосликлари бўйича

ДОКТОРАНТУРАГА — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда
«МАКРОИҚТИСОДИЁТ» /агросаноат мажмуида/
«МИКРОИҚТИСОДИЁТ» /агросаноат мажмуида/
ихтисосликлари бўйича

*Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:*

700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28
2-қават, 5-хона.
Телефон: 76-86-44, 76-86-00, 117-50-16.

3418

*Наманган шаҳридаги «Аҳмадбек-С» автотранспортлар ширкатига қарашли Камаз 5320 давлат рақами 84-22 НАЛ бўлган автомашинага берилган АТ 0014336 рақамли Халқаро тоифада юк ташиш учун лицензия карточкаси йўқолгани боис бекор қилинади.*

Реклама ва эълонлар 136-09-25

UZEXPOCENTRE

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҚОШИДАГИ
ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (KOTRA)

Сизни 2000 йил 24-27 октябр кунлари UZEXPOCENTREнинг 1-павильонида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган
CONSUMER EXPO-2000
халқ истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасига таклиф этади.

*Сиз қуйидаги корейс компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатиш имкониятига эга бўласиз.*

| Компаниялар номи | Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар тури |
|---|---|
| So Young Textile Co.,Ltd | Синтетик матолар (газмол,трикотаж), сунъий шойи матолар |
| Romanson Co., Ltd | Қўл соатлари,сумкалар |
| Heechang Dairy&Food Industry Co.,Ltd | Алкоголсиз ичимликлар учун концентрат(қаймоқ)сут экстракти,какао уни, эрийдиган ерёнғоқли чой, калорияли овқат, олма ва шафтоли шарбати экстракти, цитрусли чой, эрийдиган қовоқ шўрва |
| EOR Co.,Ltd | Иссиқлик сақлайдиган фольга,сураткашлик пластинаси,ёрлиқлар учун бир томонлама қоплама қоғоз,металл чанглатилган қоғоз |
| Daesung Pharm Co., Ltd | Юмшоқ женшень капсулалари |
| EUNHA Co.,Ltd | Ошхоналар учун ҳаво сўргич (SB-6010,HSB-6060,SSB-6048T) Ваннахона учун шамоллатгич |
| Sun Safes Mfg Co.,Ltd | Оловга чидамли сейфлар,меҳмонхона, шунингдек, деворга қўйиладиган сейфлар |
| CAS Corporations | Электрон тарозилар |
| Dae Joon Textile Co., Ltd | Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), сунъий шойи матолар |
| Orient AV Co.,Ltd | Аудио намойиш тизими |
| BBL Co.,Ltd | Шоколадли печеньелар |
| Hai Sung Textile Co.,Ltd | Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), турли кашталар. |


• Обуна — 2001

# Тартиб ҳамон эскича

**Мамажон ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона вилояти, Бешариқ тумани.**

**Обуна борасида шуни айтишим керакки, айрим муштарийлар ўзининг шароити, иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб, газета ва журналларга 3 ойга, 6 ойга ёки бир йилга тўлиқ ёзиладилар. Лекин, кейинчалик ана шу 3 ойлик ёки 6 ойлик обуналарини давом эттирмоқчи бўлганида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги вакиллари буюртмачига бу ишни камида бир ой илгари амалга оширишни зарурлигини айтадилар. Масалан, мен «Халқ сўзи» ва «Адолат» газеталарига 2000 йил июл-август-сентябр ойлари учун 1 июн куни қўшимча обуна бўлдим. Лекин, бу ишни май ойида қилмаганим учун июл ойи давомида бу газеталарни ололмай қолдим. Орада бир ой узилиш бўлиб қолди. Бу ҳолат эса газета ва журналларни мунтазам ўқиб борувчи муштарийлар учун эса ниҳоятда оғир! Наҳотки, ҳозирги компьютерлар тараққий этган даврда буюртма қилиш учун олдинги ойнинг биринчи ярми — ярим ойлик фурсат етарли бўлмаса?**

• Жумбоқ



***Ҳозир милодий ҳисоб бўйича XX асрнинг сўнгги ойларида яшаяпмиз. Айтингчи, йил ҳисоби бошлангандан бери миллиард дақиқа ўтдими?***

* * *

Кечаги жумбоқнинг жавоби: 1 миллион марта. Буни бизга Тошкентдан Шарибулла Асадуллаев, Турғун Илёсовлар биринчилар қатори хабар қилишди.

**Азиз муштарий!**

**Сизда қандай қизиқарли жумбоқлар бор? Бу ҳақда бизга 136-35-60 телефони орқали хабар қилинг.**



*Саломатлигингиз ўз қўлингизда.*

Ҳ. СОДИҚОВ чизган расм.

## ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА



Бозорда бир киши балиқ сотиб ўтирибди.

— Қанақа балиқ бу?

— Кўрмаяпсанми — фарель.

— Ўлганми?

— Шунчаки ухлаяпти.

— Нега ҳиди чиқаяпти?

— Эй оғайни, сен ухлаётганингда ўзингни назорат қила оласанми?

* * *

Самолётда бир тортинчоқ йигит ёнидаги қизни гапга солмоқчи бўлиб деди:

— Сиз ҳам шу самолётда учяпсизми?

* * *

Ёш қаламкаш журнал муҳарриридан сўраяпти:

— Айтингчи, ҳикоям журналингизда дунё юзини кўрармикан?

— Чиқмаган жондан умид...